

VOLUME II | ISSUE 3 | MARCH

Journal of Culture and Art

КУЛТУРА И ИСКУССТВО
МАДАНИЈАТ ВА САНЃАТ

| 2024

ISSN: 2181-4562



Available online at www.imfaktor.com

 **IMFAKTOR**
Science driven pages

ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-СОҢ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-II, НОМЕР-3

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-II, ISSUE-3

ТОШКЕНТ – 2024

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2024-3>

БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал
Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиев Иқбол
Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
кафедра мудири, профессор в.б., Санъатшунослик
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим
Козимович

Ходжаметова Гулчира
Илишевна

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни
ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус
филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих
фанлари номзоди, профессор

Абдувоҳидов
Фахриддин
Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
кафедра мудири, доцент, Санъатшунослик фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Кадиров Рамз
Турабович

Умаров Мамур
Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна
нутқи” кафедраси доценти

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси
профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Худоев Ғани
Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Чолғу ижрочилиги ва мусиқа назарияси” кафедраси
профессори в.б., Санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида
Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати
институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси”
кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон
Раимқулович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта
ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Суннатиллаев Асатилло
Суннатович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати
институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-
педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил
изланувчи (PhD)

Алланбаев Рудакий
Оринбаевич

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, “Шуҳрат”
медали соҳиби, профессор в.в.б

Зиявутдинова Зулфия
Усеиновна

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

Раимова Дилфузахон
Махаммадсолиевна

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

Ботирова Хилола
Турсунбаевна

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

*“Маданият ва санъат” журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган. Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.7 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.***

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Мўаллифлар жамоаси, 2024 йил.

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

БУЛАТОВ Саидахбор Собитович

*Тошкент давлат педагогика университети профессори
Россия халқаро педагогика фанлари академиясининг академиги
педагогика фанлари доктори*

ХОШИМОВА Умида Талат қизи

*Тошкент давлат педагогика университети
мустақил илмий тадқиқотчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10896926>*

ЎҚУВЧИЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК ҲИС-ТУЙҒУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада умумбашарий қадриятларни ўргатиш орқали ўқувчиларни ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантиришнинг мантиқий асослари ҳақида баён этилган. Умумбашарий қадриятларни ўргатиш орқали ўқувчиларни ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантиришнинг мантиқий асослари ҳақида баён этилибгина қолмай, умумбашарий қадриятларни ўрганиш, ўқувчилар учун қанчалик керак ва айни дамда зарур экани ҳам тушунтирилган.

Калит сўзлар: санъат, ватанпарварлик, умумбашарий қадриятлар хикмат, ранг, қадрият, шакл, графика, мазмун, тасвираш, миллилик, руҳият, мантиқ, ҳис-туйғу, анъана, уйғунлик.

ЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ ПАТРИОТИЧЕСКИХ ЧУВСТВ СТУДЕНТОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается обоснование развития у учащихся чувства патриотизма путем обучения общечеловеческим ценностям. При обучении общечеловеческим ценностям разъясняется не только о логических основах формирования патриотических чувств у учащихся, но и об изучении общечеловеческих ценностей, насколько это необходимо учащимся и является необходимым в одно и то же время.

Ключевые слова: искусство, патриотизм, общечеловеческие ценности, мудрость, цвет, ценность, форма, графика, содержание, репрезентация, национальность, духовность, логика, эмоция, традиция, гармония.

LOGICAL BASIS OF FORMING STUDENTS' PATRIOTIC FEELINGS

ANNOTATION

This article describes the rationale for developing students' sense of patriotism by teaching universal values. By teaching universal values, it is explained not only about The Logical Foundations of the formation of patriotic feelings for students, but also about the study of universal values, how much it is necessary for students and is necessary at the same time.

Key words: art, patriotism, universal values wisdom, color, value, form, graphics, content, representation, nationality, spirituality, logic, emotion, tradition, harmony.

“Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир” [1].

Шавкат Мирзиёев

Маданий меърос ва юксак бадийлик миллий анъаналарни ривожлантириш, ундан фойдаланиш, ундаги ижодий амалиёт услубларини жорий этиш, табиий материаллар билан ишлаш, инсонларда, айниқса, ёшларда кунт, чидам, қатъият, тасвирий ва амалий санъатнинг фалсафий, психологик, кирраларини ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Таълим тизимида, яъни мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида ўқувчи-ёшларни сиёсий-ғоявий ва эстетик руҳда тарбиялашда, гўзалликни сеза билишга, санъат асарларини китоб ўқигандек ўқий олишга, улардан баҳра олишга, изланувчанлик ва яратувчанлик қобилиятларини оширишга, ушбу санъатга бўлган қизиқишини кучайтириш, касб танлаш ва дунёқарашини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Борлиқни ва воқееликларни мусаввир ёки уста томонидан бажарилган асарлари ҳар бир инсонга ўзига ҳос руҳий таъсир этади. Шу ўринда рассомларнинг асарлари муҳум аҳамият касб этади. Жаҳон тасвирий ва амалий санъатига назар ташлар экансиз, мусаввирларнинг асарларидаги ҳар бир чизиқ ва ранг ҳамда шаклларда бир дунё ҳикматлари яширилганини гувоҳи бўласиз. Жаҳон тасвирий санъатининг буюк рассомлари Леонардо до Винчи, Шарден Ж.Б.С., Брюлов К.П., Айвозовский И.К., Шишкин И.И., Ван Г.В., Пабло Пикассо ва бошқалар дунё манавият хазиналарига катта ҳисса қўшганлар. Шулардан бири Француз рассоми О. Домьенинг “Эман” асарини бадий, фалсафий ва психологик таҳлил қилиб кўрамиз.



1-расм. Домье Он оре Викторьен (1808-79) Франция графиги.

XIX аср анъатида графика катта аҳамият кашф этди. Сиёсий карикатура, айниқса, ўзининг социал жиҳатидан ўткирлиги, кескинлиги билан ажралиб турди. Домье Францияда сиёсий карикатуранинг тэнг йирик вакиллари эди.

Онере Домьенинг номи тилга олинар эканг, француз ёзувчиси Андре Вюрмесернинг куйдаги машхур сўзлари эсга келади: “Домье... бу халк, унинг қаҳр-ғазаби, олижаноблиги, кўнгилчанглиги, куч-қудрати, ор-номусидир”. Рассом курашчи Домье, ижодининг бутун моҳияти, худдий ойнадагидек, ўзининг ёркин ифодасини топди [3].

Домье Он оре Викторьен (1808-79) Франция графиги, тангтасвирчи ва хайкаплтарош. 1814 йилдан Парижда яшаган. Қаламтасвир, рангтасвир ва литогравиюрадан дарс олган. 1830 йили инкилобдан сўнг, танқидий, сиёсий плакатлар ишлаган ва катта мувофияқатга эришган ҳамда халққа танилган. Танқидий плакатлари кўп нусхада чоп этилган. Унинг дунёқарашини кенглиги, тасвир тилини яхши билиши, инсонлар қалбига ўз фикр-мулоҳазаларини етказа оладиган маҳоратга эга бўлган. Унинг “Кир ювучи”(1859-60), “Учунчи тойфали вагон” (1862-63), “Эман” каби асарлари дунёга машхурдир [4, Б.24].

Эман (дуб) дарахти ҳақида кўпгина рассомлар тасвирлаганлар. Масалан И.И. Шишкиннинг “Дублар”асари мисол бўлади.




2-расм. Шишкин И.И. Дублар.

Мусаввир О. Домье нима учун эман дарахтини танлаган? Аввал табиатдаги худдий шунга ўхшаш дарахтни кўрган ва унга ғоя келган. Асарнинг ғоясига асосан, О. Домье композиция яратган. Композицияда асосий эман дарахтини қаҳрамон қилиб картинани маркзида динамик ҳолатда танлаган чунки эман дарахтининг ўзига ҳос томонларини ва хусусиятларини яхши билган. Масалан эман дарахти қанақа дарахт? Эман (дуб, булут)-ёруксевар, қурғокчиликка чидамли бўлиб у 1000 йилдан ортиқ яшайди. Дарахтнинг баландлиги 20-25 метр, шох-шаббаси кенг бўлади. Илдизи ўқ илдиз бўлиб, 5 метр чуқурликка кириб боради. У атроф-муҳитга соғламлаштирувчи таъсири бўйича бошқа ўсимликлардан устун туради. Ёғочи авияция ва кемасозликда, қурилишда бочкасозликда қимматли хом ашё ҳисобланади. Намгарчиликка чидамли дарахт ҳисобланади [2, Б.250].

Дуб- куч, қудрат, узоқумр, чидамлилиқ, мардлик, улуғворлик рамзи. Греция, Германия ва бошқа давлатларда дуб мамақалдироқ худосига бағишланган бўлиб, у яшинга чидамли ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда дуб дунё ўқи ва табиий ибодатхона ҳисобланган. Яна дуб эркакли кучи ва донолик рамзи ҳисобланади. Дуб барги кўпгина давлатларда ҳарбий белги сифатида ишлатилади [5, Б.87].

О. Домье асарини таҳлил қилал қилар экансиз аввалом бор асардаги асосий элементлар куйдагилардан иборат: Эман дарахтининг танаси, яшин, шамол, дарё, дарахтнинг илдизи, дарахтнинг шоҳидан иборатдир. (3-расм)



3-расм. Мусаввир О. Домье. Эман асарига асосий элементлар. 1. Эман дарахтининг танаси. 2. Яшин. 3. Шамол. 4. Дарё. 5. Дарахтнинг илдизи. 6. Дарахтнинг шоҳи. 7. Ёруғ-соя.

Эманнинг танаси инсон гавдасига ўхшатиб бир томонга қадди букилган ҳолатда тасвирланган. (4-расм) Қандай қилиб қалин танали эман дарахти бучайиб қолган? Бунинг сабаби шундаки, ушбу эман дарахти ниҳоллик давридан ҳозирги давргача бошидан жуда кўп қийинчиликларни ўтқизганлигини кўрсатиб турибди. Эман дарахтини белидан синиб, ярим жонда бўлсада, оҳирги кўкариб турган шоҳи ҳам синиш арафасида зўрға-зўрға шамол ва бўрон қаршилигига чидаб турган ҳолати акс эттирилган. Шунинг учун ҳам О. Домье асарига асосий қахрамон қилиб эман дарахтини танлаган ва асарни номини “Эман” деб номлаган. Асарда қўйилган ғояни ечимига ёрдамчи қилиб, атрибутларни табиатга мос ҳолда воқеяликни танлаган. Яъни чакмоқ, қора булут, дарё, шамол ва боқлар лган ва ўз олдига қўйган мақсадига эриша олган.



4-расм. Эман дарахтининг танаси.

Йиллар давомида жуда кўп қарама-қаршликларни бошидан ўтказган дарахт танаси худди инсон танасига қиёслаб эгик ҳолатда тасвирланган. Мусаввир аслида дарахтни рамзий манода Францияни оўйир вазиятга тушиб қолганлигини акс эттирган расм пастига “Қашшоқ Франция” деб ёзиб қўйган [4, Б.67].

Ватанни қашшоқ ва ночор ҳолатидан енгиб чиқиш кераклигини уқтиради. Бу ҳолатни яъни ғояни дунёда яшаётган ҳар бир инсон бошидан ўтадиган оғир дамларига ўхшатиш ҳам мумкин.

Эман дарахти танаси 300 ёшдан ортиқ ёшдаги бақувват танаси тасвирланган бўлсада илдизи 500 ёшли бақувват эманни илдизи тасвирланган.(5-расм) Бунинг сабаби шунда бўлганки, илдизни мусаввир аجدодларни буюк маънавиятга ва моддий бойликларларга эгаллиги ишора қилинган. Бу илдизлар билан инсонлар ҳали минг йиллар давомида яшашларини билдиради.

Дарахтининг илдизи чуқур ўқ илдизга эгаллиги, уни илдизи билан кўпариб ташлаш жуда мушқил эканлигига ишора. Яъни аجدодларимиз катта ва чуқур маънавий бойликларга ҳамда қадриятларга эгаллигини билдиради. Тарихи буюк халқлигига ишорадир. Эман дарахти илдизи орқали кўпайиши эса келажак авлодлар аجدодларимизнинг маънавий қадриятларга асосланиб ривожланишига ишорадир.



5-расм. Эманнинг илдизи.

Биз аجدодларимизнинг маънавий қадриятларимизнинг маънавий қадриятларимизга асосланиб уларни кўз қора чиғидек асрашимиз уни йўқ бўлиб кетишга йўл қўймаслигимиз керак. Инсонлар ҳам мамлакатлар ўша пойдевор асосида ўзини қаддини тиклайди.

Мусаввир эман дарахтни танасини инсон гавдасига ўхшатиб, битта қўл кўринишида охирги шохини қаттиқ шамолдан ва бўрондан синиш арафасида акс эттирилган. Дарахтни шохи рамзий маънода сўнги нажодни билдиради. (6-расм)



6-расм. Эманнинг шоҳи.

Дарё даврни ва вақтни билдиради. Сув эса ҳаётни яъни умрни билдиради. Шамол ҳар қанча қаттиқ бўлмасин сув ўз йўлида бирмаромда давом этмоқда. Бу эса инсоннинг умри ўткинчи эканлигига ишорадир. (7-расм)




7-расм. Дарё.


Мамақалдроқ- Кескинлик, тўсатдан кулфатни билдиради. Ҳаётни кескин оғирлаши. Бошга кулфат тушиши. Қўрқинчли дамлар. Қўрқинчли туш каби ҳаётни ўтиши. Ночор ҳолатда тушиб қолинишига ишора.

Яшин- инсон бошига ёки мамлакатга тушган оғир кулфатни англатади. Инсонга ёки мамлакатга офат келтириши. Айрилиқни билдиради.

Қарама-қаршилик, зиддият, ҳаётда турли-туман қаршиликларга учраши. Ушбу қарама-қаршиликлар ҳар қандай бўлмасин инсон сабр тоқатли, иродали, мақсад сари ва эзгулик йўлида курашиш кераклигини ифодалайди. (8-расм)



8-расм. О Домьенинг “Эман” асаридаги ҳаракатлар тизими. Э-дарехт, Ш-шамол, С-дарё, М-мамақалдироқ, О- ҳаёт чархпалаги.




9-расм. О Домьенинг “Эман” асаридаги ҳаракатлар тизимининг схематик кўриниши.

Қора булутли осмон борлиқни, табиатни, Ватанни ва инсонларни нотинчлигини билдиради. Оғир дамларни ва вақтни ҳамда оғир даврни англатади .

Шамол- инсон ҳаётидаги қарама-қаршиликлар. Инсон ҳаётида ҳар қандай қарама-қаршиликка учрамасин у қзини йўқотиб қўймаслиги, сабрли, иродали ўз эзгулик ғояси учун курашиши лозимлигига ишора. Ҳар қандай нарсалар зиддиятлар асосида ривожланади ва тараққий этади.

Оқ ва қорада расмни чизилиши, кескин, оғир аҳволни, зиддиятлар оламини билдиради. Асарда оқ-қорани кескин берилиши қўтарилаётган ғояни янада бўрттириб, томашабиннга кучли таъсир этади. Кишилар онгига тасир этиб, мушоҳада қиладилар ва мантиқий фикрлаб, тегишли ҳулосалар чиқарадилар.



10-расм. 1. Эзгулик 2. Ёвузлик.






Инсон синов дунёсида ҳар қандай оғир ҳолатга тушмасин, ўзининг кучли иродаси, сабр-тоқати билан чидай олса, у ўз олдига қўйган мақсадига эриша олади.



Ҳаёт эзгулик ва ёвузлик ўртасида курашдан иборатдир. Оламда зиддият бўлмаса ҳаётда ривожланиш ва тараққиёт бўлмайди. Ҳулоса қилиб айтганда дунёда ҳаракат бор экан ҳёт бор, ҳаёт бор экан, кураш бор. Демак ҳаёт кураш демакдир деган мантиқий ғоя келади. (8-расм) Мусаввир Ватанини оғир дамларини қалбан ҳис қилиб, ўз ватанига бўлган меҳир-муҳаббатиде ёниб, ўз ички ҳис-туйғуларини тасвир орқали халққа етказа олган, Халқнинг Ватан учун фидойиликка чақирган.

Француз мусаввири О. Домьенинг “Эман” номли асарининг мантиқий ечимини талабаларга «Кейс стади» Савол-жаваб усулида ўргатиш ижобий натижа беради.

**ФРАНЦУЗ МУСАВВИРИ О. ДОМЬЕНИНГ “ЭМАН” НОМЛИ АСАРИНИНГ
МАНТИҚИЙ ЕЧИМИ [7] («КЕЙС СТАДИ» САВОЛ-ЖАВАБ УСУЛИ)**

Т/р	Қисмлари	Қисмларни изоҳлаб беринг
1	 <p data-bbox="400 1850 655 1886">О. Домье “Эман”</p>	<p>Домье Он оре Викторьен (1808-79) Франция графиги, тангтасвирчи ва ҳайкалтарош. 1814 йилдан Парижда яшаган. Қаламтасвир, рангтасвир ва литографюраддан дарс олган. 1830 йили инқилобдан сўнг, танкидий, сиёсий плакатлар ишлаган ва катта мувофияқатга эришган ҳамда халққа танилган. Танкидий плакатлари кўп нусхада чоп этилган. Унинг дунёқарашини кенглиги, тасвир тилини яхши билиши, инсонлар қалбига ўз фикр-мулоҳазаларини етказа оладиган маҳоратга эга бўлган. Унинг “Кир ювучи”(1859-60), “3 тойфали вагон”(1862-63), “Эман” каби асарлари дунёга машхурдир.</p>

<p>2</p>	 <p style="text-align: center;"><i>Эман дарахти</i></p>	<p>Мусаввир нима учун эман дарахтини танлаган? Аввал табиатдаги худдий шунга ўхшаш дарахтни кўрган ва унга ғоя келган. Асарнинг ғоясига асосан, О. Домье композиция яратган. Композицияда асосий эман дарахтини қахрамон қилиб картинани марказида динамик ҳолатда танлаган чунки эман дарахтининг ўзига ҳос томонларини ва хусусиятларини яхши билган. Масалан эман дарахти қанақа дарахт? Эман (дуб, булут)- ёруқсевар, қурғоқчиликка чидамли бўлиб у 1000 йилдан ортиқ яшайди. Дарахтнинг баландлиги 20-25 метр, шох-шаббаси кенг бўлади. Илдизи ўқ илдиз бўлиб, 5 метр чуқурликка кириб боради. У атроф-муҳитга соғламлиштирувчи таъсири бўйича бошқа ўсимликлардан устун туради. Ёғочи авияция ва кемасозликда, қурилишда бочкасозликда қимматли хом ашё ҳисобланади. Намгарчиликка чидамли дарахт ҳисобланади.</p>
<p>3</p>	 <p style="text-align: center;"><i>Эман дарахтининг танаси.</i></p>	<p>Эман дарахти танаси 300 ёшдан ортиқ ёшдаги бақувват танаси тасвирланган бўлсада илдизи 500 ёшли бақувват эманни илдизи тасвирланган. Бунинг сабаби шунда бўлганки, илдишни мусаввир ажодларни буюк маънавиятга ва моддий бойликларларга эгаллиги ишора қилинган. Бу илдишлар билан инсонлар ҳали минг йиллар давомида яшашларини билдиради.</p> <p>Эманнинг танаси инсон гавдасига ўхшатиб бир томонга қадди букилган ҳолатда тасвирланган. Қандай қилиб қалин танали эман дарахти бучайиб қолган? Бунинг сабаби шундаки, ушбу эман дарахти ниҳоллик даврдан ҳозирги давргача бошидан жуда кўп кийинчиликларни ўтқизганлигини кўрсатиб турибди. Эман дарахтини белидан синиб, ярим жонда бўлсада, охириги кўкариб турган шохи ҳам синиш арафасида зўрға-зўрға шамол ва бўрон қаршилигига чидаб турган ҳолати акс эттирилган. Шунинг учун ҳам О. Домье асаридаги асосий қахрамон қилиб эман дарахтини танлаган ва асарни номини “Эман” деб номлаган. Асарда қўйилган ғояни ечимига ёрдамчи қилиб, атрибутларни табиатга мос ҳолда воқеиликни танлаган. Яъни чакмоқ, қора булут, дарё, шамол ва боқлар лган ва ўз олдига қўйган мақсадига эриша олган.</p>
<p>4</p>	 <p style="text-align: center;"><i>Эманнинг илдизи.</i></p>	<p>Эман дарахтининг илдизи-ажодларимиз жуда катта ва чуқур илдизга эгаллиги, уни илдизи билан қўпариб ташлаш жуда мушқил эканлигига ишора. Яъни ажодларимиз катта ва чуқур маънавий бойликларга ҳамда қадриятларга эгаллигини билдиради. Эман дарахти илдизи орқали кўпайиши эса келажак авлодлар ажодларимизнинг маънавий қадриятларга асосланиб ривожланишига ишорадир.</p>
<p>5</p>	 <p style="text-align: center;"><i>Эманнинг шохи.</i></p>	<p>Мусаввир эман дарахтни танасини инсон гавдасига ўхшатиб, битта қўл кўринишида охириги шохини қаттиқ шамолдан ва бўрондан синиш арафасида акс эттирилган. Дарахтни шохи рамзий маънода сўнгги нажодни билдиради.</p>
<p>6</p>	 <p style="text-align: center;"><i>Дарё.</i></p>	<p>Дарё даврни ва вақтни билдиради. Сув эса ҳаётни яъни умрни билдиради. Шамол ҳар қанча қаттиқ бўлмасин сув ўз йўлида бирмаромда давом этмоқда. Бу эса инсоннинг умри ўткинчи эканлигига ишорадир</p>

7	 <p><i>Мамақалдроқ ва яшин</i></p>	<p>Мамақалдроқ- Кескинлик, кескин кулфатни тушиши. Ҳаётни кескин оғирлаши. Бошга кулфат тушиши. Қўрқинчли дамлар. Қўрқинчли туш каби ҳаётни қтиши. Ночор ҳолатда тушиб қолиниши. Яшин- инсон бошига ёки мамлакатга оғир кулфатни англатади. Инсонга ёки мамлакатга офат келтириши. Айрилиқ.</p>
8	<p><i>ШАМОЛ</i></p>	<p>Қарама-қаршилик, зиддият, ҳаётда турли-туман қаршиликларга учраши. Ушбу қарама-қаршиликлар ҳар қандай бўлмасин инсон сабр тоқатли, иродали, мақсад сари ва эзгулик йўлида курашиш кераклигини ифодалайди.</p>
9	<p><i>БУЛУТ</i></p>	<p>Қора булутли осмон борликни, табиатни, Ватанни ва инсонларни нотинчлигини билдиради. Оғир дамларни ва вақтни ҳамда оғир даврни англатади.</p>
10	<p><i>РАНГ</i></p>	<p>Оқ ва қорада расмни чизилиши, кескин, оғир аҳволни, зиддиятлар оламини билдиради. Асарда оқ-қорани кескин берилиши кўтарилаётган ғояни янада бўрттириб, томашабиннга кучли таъсир этади. Кишилар онгига тасир этиб, мушоҳада қиладилар ва мантикий фикрлаб, тегишли хулосалар чиқарадилар.</p>
11	 <p><i>ХУЛОСА</i> 1. Эзгулик 2. Ёвузлик.</p>	<p>Инсон синов дунёсида ҳар қандай оғир ҳолатга тушмасин, ўзининг кучли иродаси, сабр-тоқати билан чидай олса, у ўз олдига қўйган мақсадига эриша олади. Ҳаёт эзгулик ва ёвузлик ўртасида курашдан иборатдир. Оламда зиддият бўлмаса ҳаётда ривожланиш ва тараққиёт бўлмайди. Хулоса қилиб айтганда дунёда ҳаракат бор экан ҳёт бор, ҳаёт бор экан, кураш бор. Демак ҳаёт кураш демакдир деган мантикий ғоя келади. Мусаввир Ватанини оғир дамларини қалбан ҳис қилиб, ўз ватанига бўлган меҳир-муҳаббатда ёниб, ўз ички ҳис-туўғларини тасвир орқали халққа етказа олган, Халқнинг Ватан учун фидойиликка қақирган.</p>

Домье ижоди XIX аср танқидий реализмнинг ёркин ифодасидир, у ўз замонасининг санъатга бўлган демократик қарашлари билан чамбачас боғлиқ эди. Домье ўзининг эллик йиллик ижодий фаолияти даврида тўрт мингдан ошиқ литография, аквареллар, ёғочга ўйилган гравюралар, ҳайкал-портретлар яратди. Рассомнинг улкан бой мероси демократик ғоялар, ўз замонидаги одил ҳаракати билан чамбарчас боғлиқдир [3, Б.125].

Умумқадриятларни ўрганар эканмиз, Ватанни севиш, уни жон-дили билан ҳимоя қилиш ҳис-туўғларини илк ёшлигидан бошлаш керак. Ҳақиқий Ватан муҳаббати, Ватан ҳиси мамлакат озод ва обод халқ эркин бўлгандагина юзага келар экан. Мусаввирнинг Ватанпарварлигини ҳис қилиб бугун биз ҳам Ватанимиз яъни Ўзбекистонда шу мустақиллик кўлимизда экан, уни эъзозлашимиз, қадрига етишимиз, қадам-бақадам мустаҳкамлаб боришимиз лозим. Мана шу туйғулар, шу олийжаноб фазилатлар ва эзгу ҳаракатлар бугунги кун учун ҳақиқий Ватанпарварлик намунасидир. Ватан туйғуси бу азиз ва жаннатмакон Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамма садоқатли бўлишдир. Инсон ўзлигини англаш, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади.

Ватанпарварлик- бу она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш. Ватан равноқиига ҳар бир фуқоронинг ўз ҳиссасини қўшишга эришишидир.

ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йиғилишидаги Ўзбекистонда ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида номли Тошкент шаҳри, 2017 йил 23 июнь маърузасидан. Маърифат газетаси, 2017 йил 24-июн, №50 (9011).
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашрети. Тошкент, 2005, 210-бет.
3. Апухтин О.К. Тасвирий санъат ҳақида суҳбатлар. Т., Ўқитувчи, 1965, 145-бет.
4. Костерин Р.П. Учебное рисование. М. Просвещение. 1984- с. 201.
5. Тресиддер Дж. Словарь символов /Пер. с. Англ. С. Палько. –М., ФАИР –ПРЕСС. 2001.- 87 бет
6. Популярная художественная энциклопедия: Архитектура. Живопись. Скульптура. Графика. Декоративное искусство. –М.: “Энциклопедия” Книга 1986. с. 227.
7. Булатов С.С. Саипова М.С. Бадиий таҳлил тамойирллари. (Монография) –Т.: “Фан ва технолология”, 2016, 137-141-бетлар.

ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-СОҢ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-II, НОМЕР-3

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-II, ISSUE-3

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz